



ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ АХБОРОТЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРУВЧИ ОМИЛЛАР ТАСИФИ

Каримов И.Н.

Қариши муҳандислик иқтисодиёт институти катта ўқитувчи

Tayanch soʻzlar: axborot, taklif, ehtiyoj, muammo, yechim, elektron, axborot, material, sifat, tahlil, samaradorlik.

Ключевые слова: информация, предложение, потребность, проблема, решение, электронная, информация, материал, качество, анализ, оперативность.

Key words: information, supply, need, issue, solution, electronic, information, material, quality, analysis, efficiency.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда таълим сифатини шаклан ва мазмунан ислох қилиш жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда таълим тарбия соҳасига янгиликларни тизимли равишда жорий этиш муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бу ўз навбатида барча таълим муассасалари фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларни янги ютуқларидан самарали фойдаланиш орқали эришиш мумкинлигини тасдиқлайди, ва бир қатор вазифаларни белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида таълим инновацияларни кенг қўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Таълим инновациялар кўламининг ортиб бориши мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим-тарбия соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ислохотлар тақдири кадрларга боғлиқ, деган ғоя бекорга илгари сурилмаган. Барча ютуқлар ва мағлубиятлар замирида биз тайёрлаётган кадрлар билими, ташкилотчилик кўникмаси, замонавий қарашлари ётади. Таълим ислохотларини амалга оширишда замонавий педагогик техноло-



гияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларида жорий қилиш зарурлиги қатъий ўқтирилган. Шундай экан, педагогик жамоатчиликнинг бирдан – бир муҳим вазифаси ривожланган мамлакатларда муваффақиятли қўлланиб келинаётган таълим инновацияларини, технологияларини яхшилаб ўрганиб, ўзининг кундалик педагогик фаолияти ва дарс амалиётида қўллашдир.

Мамлакатимизда бугунги кунда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш борасида қатор вазифалар белгиланган [1]. Хужжатда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги таълим муассасалари куриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш баробарида уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган. Бу вазифаларни амалга ошириш таълим муассасаларида чет эл илғор тажрибалари асосида ўқитиш тизимини ривожлантиришни, ҳар бир ўқув фанидан электрон ўқув модули ишланмаси яратишни жадаллаштиришни ва уларни ўқув жараёнига фаоллик билан татбиқ этишни талаб этади [2]. Инсоният тафаккури ва амалиёти тарихидаги педагогик категориялардан бири бўлмиш тарбия ҳамиша жамиятдаги етакчи ахлоқий кадриятлар билан уларнинг одамлар томонидан бажарилиши ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йуналтирилиб келинади. Жамиятнинг устувор кадриятлари қанчалик умуминсоний бўлса, шунчалик умрбоқийлик касб этади.

Таълим ислоҳотларининг замонавий босқичи жамиятда юз бераётган янгиланишларнинг тезкорлиги, таълим муассасаларига қўйилаётган янги, янада юқори талабларга тезроқ мослашиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни илгари сурмоқда. Бундай шароитларда таълим муассасасини ривожлантириш ва замон талаблари даражасида фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган тадбирлар салмоғи узлуксиз ортиб боради. Қўйилаётган вазифаларнинг деярли барчаси тамойил жиҳатдан янги тала-



бларни келтириб чиқаради ва уларни ҳал қилишда жамоанинг фақатгина мавжуд тажриба асосида иш кўриши етарли бўлмай қолади. Таълим муассасаларини бошқариш назарияси ва амалиёти борасидаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитда таълим муассасасини бошқариш ундаги ахборотлар алмашинувини бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкинлигини кўрсатади ва бу йўналишда мақсадли изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини яратиш соф техник масала бўлиб қолмасдан, балки бунинг учун муассасанинг илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларини тизимли ёндашув асосида ишга солиш талаб этилади.

“Электрон ахборот-таълим муҳити” тушунчасини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуидир, деб таърифлаш мумкин. Электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги типологик белгиларга кўра тавсифланади:

1. Ҳар қандай даражадаги электрон ахборот-таълим муҳити тизимлилик табиатига эга мураккаб тузилмали объект бўлиб ҳисобланади.

2. Электрон ахборот-таълим муҳитининг яхлитлиги тизимлиликка эришиш тушунчаси билан бир маънони, уларнинг уйғунлигини аниқлаб, ўқув муассасаси битирувчисининг шахсий ва касбий моделини амалга оширишдаги таълим-тарбия мақсадларини ўзида мужассамлаштиради.

3. Электрон ахборот-таълим муҳити таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиши билан бирга унинг воситаси ҳамдир.

Шу билан бир қаторда, ахборот-таълим муҳитини таърифлашда бир қанча ўзаро фарқ қилувчи қарашлар мавжуд, жумладан:

- шахс билан таълим муҳитининг субъект сифатида узвий боғланган ахборот, техник, ўқув-методик таъминотнинг ташкиллаштирилган мажмуаси;
- электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумот базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари интеграцияси асосида қурилган ягона ахборот таълим муҳити.

Ахборот таълим муҳитини яратишда ва уни бошқаришда тизимли ёндашувни жорий қилиш талаб этилади. Ушбу ёндашувнинг дастлабки



босқичида замонавий таълим мазмунига мос равишда таълим муассасаси ахборот-таълим муҳити мақсади белгиланади [3]. Педагогик фаолиятда таълим мақсади тизимлаштирувчи вазифани бажаради. Айнан белгиланган мақсад таълим мазмуни, мақсади, ташкилий шакллари ташкил учун асос бўлиб хизмат қилади. Замонавий таълимнинг мақсади – мутахассис модели талабларига мос равишда шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалар тизимидан таркиб топиб, у тегишли таълим стандартларида ўз аксини топади. Бундай ҳолатларда талаба мустақил таълимнинг аҳамияти ортади ва қуйидаги кўникма ва малакаларни шакллантириш талаб этилади:

1. Мустақил таълим олишни режалаштириш кўникма ва малакалари: мустақил фаолият юритишнинг шахсий режасини тузиш; режа асосида мақсадли фаолият юритиш; ўз фаолиятини назорат қилиб, унга зарур тузатишлар киритиб бориш.

2. Интернет илмий ҳамда ўқув ахборотларидан фойдалана олиш кўникма ва малакалари: илмий ва ўқув ахборотлари мустақил аниқлаш; янги ахборотларни мустақил таҳлил қилиш ва баҳолай олиш; ҳал этилиши лозим бўлган муаммо нуқтаи назаридан Интернетдан ахборот манбаларини қидириш ва топиш; олинаётган ахборотлар мазмунидаги янги ва истиқболли янгиликларни кўра олиш.

3. Электрон ахборот-таълим ресурслари устида ишлаш кўникма ва малакалари: электрон қўлланмалар ва каталоглардан тизимли равишда фойдаланиш; Интернетдан олинган илмий, ўқув ва бошқа адабиётлар рўйхатини библиография қоидалари асосида юрита олиш.

4. Замонавий ахборот технологиялари воситалари орқали тақдим этилган маърузаларни ўзлаштириш кўникма ва малакалари: маърузалар мавзуси ва режасини, адабиётлар рўйхатини белгилаб олиш; тақдим этилган ахборотларни тўғри қабул қилиш; асосий муаммо, ғоя ва хулосаларни ажрата олиш; асосий мазмунни ўз сўзлари билан қисқача ёзиб олиш; тақдим этилган ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва улар мазмунини таълимий мақсадларда қўллаб бориш.

5. Электрон дарслик билан ишлаш кўникма ва малакалари: электрон дарслик билан умумий ҳолатда танишиш, унинг муаллифи, мазмуни, хулосаси, иллюстрациялари ҳамда аннотацияларини билиш; электрон дарсликнинг мантиқий тузилмасини ажратиб олиш; ўрганилаётган мавзунини тўлақонли тушуниб олиш учун қўшимча қўлланмалар: анимация, луғат, энциклопедия, маълумотномалардан фойдалана олиш; олинган маълумотларни тезислар, конспектлар кўринишида қайд этиб бориш.



Электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги учта асосий вазифаларни бажаради:

- ташқи муҳит субъектларига замонавий ахборот технологиялар ёрдамида таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдамлашиш;
- таълим муассасаси ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини ошириш ва ўзаро ахборот-таълим ресурслари алмашиши муҳитини юзага келтириш;
- таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити воситалари орқали самарали ахборот алмашинувини ташкил этиш ва бошқариш.

Таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити мақсадини белгилаш учта жараённинг даврий кетма-кетлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади: биринчи даврда муҳитни таҳлил қилиш натижалари ўрганилади; иккинчи даврда – мос равишда амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинади; учинчи даврда бевосита таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити мақсади ишлаб чиқилади [4].

Олий педагогик таълим муассасасида электрон ахборот-таълим муҳитининг мақсади бўлажак ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Ўз навбатида бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантиришда олий педагогик таълим муассасасини битиргандан кейинги меҳнат фаолияти давомида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириб боришига қаратилган сифатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки республикамизда амалга оширилаётган таълим ислохотлари “касб” тушунчасига янгича талқинда қарашни талаб этмоқда. Талабларга кўра замонавий касб эгаси тайёр касбий билимлар тўпламини эгаллаганлиги билан эмас, балки касбий жиҳатдан ривожланишга хизмат қилувчи қобилиятларга эгаллиги, ўз касбий даражасини таҳлил қила олиши, жамият ва ишлаб чиқаришнинг янгиланиб бораётган талабларига мос равишда янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлиги билан тавсифланади. Санаб ўтилган сифатлар асосини бутун умр давомида янги билимларни эгаллаш орқали узлуксиз касбий тайёргарликни амалга оширишга қаратилган ривожланиш жараёни ташкил қилади. Шундай қилиб, педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш педагогик таълимнинг электрон ахборот-таълим муҳитини, интеграллашган ахборот-таълим ресурсларини яратишни таълим сифатини оширувчи омил сифатида тадқиқ этишни тақозо этади.



Хулоса. Ҳозирги кунда ўқув жараёнида янги таълим инновацияларни босқичма-босқич амалга ошириш ўз навбатида таълиммуассасалари фаолиятини такомиллаштириш илмий-методик ташкилий ва педагогик имкониятлардан тизимли ёндашувлар орқали амалга оширишни талаб этади.

Бу ёндашувларнинг дастлабки босқичи эса замонавий таълим мазмунига мос ҳолда ахборот-таълим муҳитини жорий этиш орқали мустақил таълимни режалаштиришдаги кўникма малакаларни, илмий ва ўқув ахборотларидан фойдаланиш малакасини электрон ахборот-таълим ресурслари устида ишлаш замонавий ахборот технологиялари орқали маълумотларни ўзлаштириш шу билан бирга электрон дарсликлар билан ишлаш кўникма малакаларини шакллантириш билан педагогик таълим жараёнини яхшилаш таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги муносабатларни такомиллаиб боришини вужудга келтиради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 07.02.2017 й., ПФ-4947, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон 448-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 448-бет.
3. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши, Насаф, 2000. 41-бет.
4. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. –Т.: 2007. 54-бет.

РЕЗЮМЕ

Maqolada ta'lim muassasasini zamonaviy sharoitda boshqarish undagi axborot almashinuvini boshqarish bilan bevosita bog'liq bo'lib, bu o'z navbatida axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish orqali ta'lim muassasasi faoliyatini takomillashtirish imkoniyatlarini ko'rsatadi. ushbu yo'nalishda maqsadli tadqiqotlar olib borish zaruriyati, shuningdek, ta'lim muassasasining elektron axborot-ta'lim muhitini yaratish masalalarini o'z ichiga oladi.

РЕЗЮМЕ

В статье управление образовательным учреждением в современных условиях напрямую связано с управлением информационным обменом в нем, что в свою очередь показывает возможность улучшения деятельности образовательного учреждения за счет эффективного использования информационных технологий, и возникает необходимость проведения целевых исследований в этом направлении, а также осмысливаются вопросы создания электронной информационно-образовательной среды образовательного учреждения.

SUMMARY

In the article, the management of the educational institution in modern conditions is directly related to the management of the information exchange in it, which in turn shows that it is possible to improve the activities of the educational institution due to the effective use of information technologies, and the need to conduct targeted research in this direction arises, and the issues of creating an electronic information learning environment of the educational institution are interpreted.